

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 228 (5819).

4 ОКТЯБРЬ 1985 й.

ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тининг.



● ХАЛҚЛАР УР-
ТАСИДА ТИНЧ-
ЛИК ВА ҲАМКОР-
ЛИК ЙЎЛИДА.
1-бет.

● ПАРТИЯ РЕ-
ЖАЛАРИ — ХАЛҚ
РЕЖАЛАРИ.
2-бет.

● ШАҲАР ВА
ТАБИАТ.
3-бет.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

М. С. Горбачевнинг Францияга визити

М. С. Горбачев 2 октябрь кунини Францияга етиб келди. СССР ва Франция давлат байроқлари кўтарилган Париждаги Орли аэропортида М. С. Горбачевни Ф. Миттеран самолёт пилотиоси ёнида табриклаб кутиб олди. СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов ва Франциянинг СССРдаги элчиси Ж.-Б. Рэмон ҳам шу ерда эдилар.

Кутиб олиш чоғида М. С. Горбачев олий ҳайрбий ҳурмат бажо келтирилди. Аэродром майдонида қуроли кучлар уч турининг фахрий қоровул сав тортиб турди. Қоровул бошлиғи олий мартабали мухона рапорт берди. Совет Иттифоқи ва Франциянинг давлат гимнлари ижро этилди.

Фахрий қоровул сафи айрилиб ўтилганидан кейин М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран ҳурматли мухоналарга аталган салонга йўл олдилар. Бу ерда территорияни планлаштириш ва тузиш масалалари давлат министри Г. Деффер, таъқи алоқалар министри Р. Дюма, Франция ҳукуматининг бошқа аъзолари М. С. Горбачевга таништирилди. Визитда қатнашаётган совет расмий кишилари, шунингдек СССР элчихонасининг ходимлари

Ф. Миттеранга таништирилди. Франция Президенти таъриқ нутқи сўзлади:

Бош секретарь жаноблари, Сиз олий лавозимни бажара бошлаганингиздан кейин Фарбога қилган биринчи сафарингиз муносабати билан бугун Сизни кутиб олиш Франция учун шарафдир. Мен Сизга: мамлакатимизга хуш келибсиз дейман!

Биз дунёнинг қадимий ва қудратли давлати бошлиғидек юксак лавозимингизга зўр ҳурмат билан Сизни қарши оламиз. Европа давлатлари сеналядиган ва Европа цивилизациясига мансуб бўлган мамлакатларимиз ўрта-сидаги муносабатлар кўп асрлик ҳамкорлик аънаъналарига асосланган. Биз ўзаро муҳолифлик қилган даврлар тарихида камдан-кам бўлган. Бир ярим асрдирки, иккала халқимизни бирлаштириб турган ўзаро хурматли заифлаштирувчи биронта ошқора можабо бўлган йўл, — мен бу ҳақда кечқурун гапирарман.

Сизнинг визитингиз айна мавридига ўтапти, деб ўйлайман. Сизнинг мамлакатингиз билан ўзаро хурмат руҳида ошқора ва амалий мулоқот қилишга бўлган доимий ҳоҳиш-иродамиз ҳеч қачон рад

этилган эмас. Биз Сизни мана шундай туйғулар билан кутиб оляимиз, суҳбатларимизнинг руҳи ҳам мана шундай бўлади, деб ўйлайман.

Ҳозирги дунё умид билан ишончсизлик чорраҳасида турибди. Ҳозир одамларга ҳаддан ташқари кўп можабо-лар, ҳаддан ташқари кўп азоб-уқубатлар, қадр-қимматга қилинаётган ҳаддан ташқари кўп таъвоузулар, ҳуқуқларнинг бузилиши азоб бермоқда.

Бу визит умидларингизни оқлашга, икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришга ҳам, шунингдек тинчлик ишига ҳам фойдали ҳисса қўлишига тилладошман.

Хали ҳам давом этаётган Париж ёзининг шу гўзал кў-биш кунинда, тизинг програм-мага қарамай, пойтхатимиз-ни кўриш ва баҳолаш имко-ниятига эга бўласиз, — деб умид қиламан. Француз хал-қини Сизни тўла мастуълун билан муносиб кутиб олади, чунки у Сизни дунёнинг му-воzanатида асосий ўринни олиб турган улур мамлакат-нинг вакили деб билади.

М. С. Горбачев жавоб нут-қи сўзлади. У бундай деди: Муҳтарам Президент жан-ноблари, аввало шу визитни қилишга таклиф этганингиз

учун миннатдорчилик билди-раман. Сиз ҳозир Совет Иттифо-қи шаънига айтган зўз сўз-лар учун, Франция диерида кўрсатилган иззат-икром учун ҳам миннатдорчилик билдираман.

Менинг тушунишимча, бу-гун бошлангидан музокара-лар сиёсий жиҳатдан сермаз-мун ва натижадор бўлиши бизнинг муштарак ниятимиз-дир.

Суҳбатларимиз мамлакат-ларимиз ўртасидаги муноса-батларни янада самарали ри-вожлантириш омили бўлиб хизмат қилишига ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкам-лашга қўмаклашишига умид қиламан.

СССР ўзгача социал сис-темадаги давлатлар билан амалий мулоқотга ҳамда Европада ва дунёда тўпланиб қолган проблемаларни ва ав-вало, кескинлигини юмшатишга қайтиш, космосда қу-ролланиш пойтхатининг олди-ни олиш ва ердаги шу пой-гани тўхтатиш, халқаро ҳам-корлигининг янги марралари-га чиқиб олиш проблемала-рини ҳад этиш йўллариини излашга тайёрдир.

Биз манфаатларининг ўх-шашлиги ва мувофиқлиги со-ҳаларини аниқлаш, ҳамжи-

ҳатлик мантиқини муҳолиф-лик ғайримантиқига қарама-қарши қўлиш тарафдоримиз.

Бизнинг Парижга визити-миз ортида СССР ва Франция раҳбарлари ўрта-сидаги учрашувларининг да-вомли аънаънаси турибди. Мамлакатларимиз бир-бири учун асло тасодифий шерик-лар эмас, сиёсий соҳадаги ҳамкорлик кенг миқёсдаги амалий алоқаларга таянади.

Биз Франция диерида шун-дай туйғулар билан қадим қўяр эканмиз, бўлгуси суҳ-батларга мушторқимиз ва бу суҳбатларининг умуман ижо-бий баласидан умиддоримиз.

Шу мавриддан фойдалани-б, Париж аҳолисига, бар-ча француз аёллари ва ар-какаларига омон-эсонлик ни-бахт-саодат тилайман.

Сўнгра М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран автома-шинага тушиб, мотоциклчи-ларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида Мариньни са-ройига йўл олдилар, визит вақтида Совет иттифоқилик олий меҳмон шу саройда жойлашди. Франция пойтх-атининг автомашиналар кор-тежи ўтган кўча ва майдон-ларида иккала мамлакатнинг давлат байроқлари олиб кў-йилган эди.

(ТАСС).

М. С. Горбачев Ф. Миттеран билан суҳбатлашди

ПАРИЖ, 3 октябрь. (ТАСС). 2 октябрь кунини Елисей саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Франция Республикасининг Президен-

ти Ф. Миттеран билан суҳ-батлашди.

Суҳбат амалий, ишчанлик муҳитида ўтди. Ҳозирги за-моннинг энг муҳим халқаро проблемалари хусусида, шу-

нингдек совет-француз му-носабатларини ривожланти-риш масалалари ва баъзи ре-гионал проблемалар юзаси-дан Совет Иттифоқи билан

Франция ўртасидаги аънаъ-вий муносабатлар руҳида фикрлашув бошланди.

Музокаралар давом этти-рилади.

СОВЕТ


ИТТИФОҚИЛИК
ОЛИЙ МЕҲМОН
ШАРАФИГА

ПАРИЖ, 2 октябрь. (ТАСС). Франция Республи-касининг Президенти Ф. Мит-теран бугун кечқурун Ели-сей саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Пре-зидиуми аъзоси М. С. Горба-чев шарафига расмий зиёфат берди.

Зиёфатда: Франция томо-нидан — ҳукумат аъзолари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, савдо-саноат ва илм-фан доираларининг намо-яндалари; Совет томонидан — визитда қатнашаётган расмий кишилар ҳозир бўл-дилар.

Ф. Миттеран билан М. С. Горбачев зиёфатда нутқ сўз-ладилар, уларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тинглан-ди ва қарсақлар билан кут-иб олинди.

(Ф. Миттеран ва М. С. Горбачев нутқлари «Правда» ва «Известия» газеталарида эълон қилинади).



Суҳбат пайти.

(ТАСС — ГЗТАГ телефотоси).

ЗАФАР АРКИДА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

ПАРИЖ, 3 октябрь. (ТАСС). Франция пойтх-атининг марказий кўчаси — Елисей майдони — Шарль де Голль номи майдонга олиб баридан йўл шу кунларда Совет Иттифоқи ва Франциянинг давлат байроқлари билан безатилган. Шарль де Голль майдони парижлик-лар учун энг азиз жойлар-

дан бири ҳисобланади. Бу ерда Зафар арки олдида мил-лият ёдгорлики — Номаълум солдат қабри ўрнатилган бў-либ, мангу олов ёниб туради.

Бугун эрталаб КПСС Мар-казий Комитети Бош секре-тари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев бу ерга келди. Уни мудофаа министри ҳузури-

даги уруш ветеранлари ва жабордийлари ишлари бў-йича давлат секретари Ж. Лоран, Парижнинг ҳарбий губернатори генерал М. Фе-небреск, Мангу олов комите-ти раиси генерал А. Вайя кутиб олдилар.

М. С. Горбачев миллий гвардия фахрий қоровули са-фини айланиб ўтиб, фахрий қоровул бошлиғининг ра-портини қабул қилди. Олий мартабали совет меҳмони Номаълум солдат қабрига

қизил атиргул ва чиннигу-лардан гулчамбар қўяди ва бир дақиқа сукут сақлаб, ўз-ватанининг миллий муста-қиллиги учун ҳаётини қур-бон қилган француз жангчи-ларининг хотирасини ҳурмат билан эсга олади. СССР ва Франция республикасининг давлат гимнлари янграйди.

Сўнгра М. С. Горбачев Қаршилик кўрсатиш ҳарака-тининг намоёндалари билан самимий кўришади. Улар бу

ерга ўз отрядларининг жан-говар байроқлари, «Норман-дия — Неман» авиополи-нини собиқ учувчиси Г. де Сен-Марсо, Мангу олов ко-митети аъзолари, иккинчи жаҳон уруши йилларида фа-шизмга қарши курашган фронтчилар билан бирга

М. С. Горбачев Зафар ар-кига келувчи фахрий меҳ-монларнинг «олтин китоби»-га имзо чекди.

шундай марказ ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Илҳ охиригача Тошкентдаги автокорхоналарда яна учта марказ жор-ий этилади. Улар меҳнат унумдорлигини яхшилашга, пассажир ва юкларни та-шишни яхшилашга, транспорт восита-ларининг бир маромда ишлашига шаро-ит яратди.

● Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида Сергей Есениннинг ижо-дига бағишланган выставка очилди. Кўр-газмага қўйилган адабиётлар орасида шоир ижодида мансуб, 1918—1921 йил-ларда Москва ва Петроград наشريётла-рида чоп этилган модир китоблар ҳам бор.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 10 да Тошкентда 14 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 6—3, эртала кундузи 19—21 даража иссиқ бў-лади.

«Оқ олтин» — Ватанга

Республика областларида пахта тайёрлаш-нинг бориши тўғрисида шу йил 3 октябрга-ча бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошдан буён.

Хоразм	2,59	56,44
Фарғона	3,01	56,18
Бухоро	2,04	52,37
Наманган	3,49	48,48
Тошкент	4,63	44,40
Андижон	2,62	44,30
ҚҚАССР	2,87	41,88
Навоий	2,44	40,53
Сурхондарё	2,55	38,81
Самарқанд	2,10	34,20
Қашқадарё	1,76	23,43
Жиззах	3,30	18,32
Сирдарё	3,76	14,74

Республика бўйича: 2,80 39,68

ШУ КУНИНГ НАФАСИ

БҮГҮН ТОШКЕНТДА:

● «Узавтотрансхотика» илғий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассе-лари республика автомобиль транспор-ти министрига корхоналарига хизмат кўрсатадиган навбатдаги ишлаб чиқариш ва техника маркази лойиҳасини тун-дубўдилар. Ундан йилгич таҳминан 20 минг сўмлик фойда кўрилади. Шу йил-нинг ўтган даври мобайнида 43 та ана



КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

ЗАРБДОРЛАРЧА, УНУМЛИ ВА СИФАТЛИ ИШЛАЙЛИК

КПСС XXVII съездида бағишланган соци-алистик мусобақанинг ўн туртинчи ўн кунли-ги давом этапти. Мазкур зарбдор ўн кунлик «Меҳнат зафарларининг — СССР Конститу-цияси кўнига» шiori остида ўтапти.

Партия съезди шарафига меҳнат беллашу-вини бошлаб берган республика ва шаҳар 18 ишлаб чиқариш илгорининг ватанпарварлик ташаббуси саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш корхоналарининг меҳнат қўшн-ларида кенг қўллаб-қувватланди. Шах-сий намуна кўрсатиб бошқаларни янги зафар-ларга даъват этиш, белгиланган планларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўлиш, туб проблемаларни ҳал этишга — меҳнатини таш-кид этишининг илгор усул ва методларини, фан-техника йилликларини жорий этишга бу-гун куч-гайратини сафарбар этишга бўлган ит-тиш шайриликдаги съездолди социалистик мусобақасининг ўнлаб, юз минглаб қатнашчи-лари учун асосий мақсад бўлиб қолди.

500 дан зиёд цех, участка ва бригада кол-лективлари 1985 йил план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш, келас йилнинг дастлабки икки ойи ишлаб чиқариш планлари-


ни партия съезди очиладиган кунга қадар адо этишга — қабул қилган мажбуриятларини ша-раф билан бажаришга иттилоқда. Шу кун-ларда шахсий намунаси билан энг юқори унумдорликка эришни йўлларини кўрсатиб бераётган беш йиллик илгорларни сафида «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси электро-механика заводининг электр монтажчиси Люд-мила Валетова, тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси Қурбонкул Абдураимов, экскаватор заводининг тоқари Эркинбой Бо-тиров, «Ташсантехгазмотаж» трести слесарь-сантехникларининг бригадирини Николай Силин, 2-пайфазал фабрикасининг бичувчиси Матлуба Йўлчиева, 35-алоқа бўлимининг телеграфисти Нина Шелим ва бошқалар бор.

Шу нарсга диққатга сазоворки, «ўн саккиз-лар ташаббус»ни бошлаб берганлар сафида стахановчилар ҳаракатининг 50 йилгич ара-фаҳида область мукофотларининг лауреати фахрий унвонига сазовор бўлганлар ҳам бор. Мусобақа қатнашчилари уларга тенглашиш-моқда, уларнинг илгор иш усулларини қўл-ламоқдалар.

«ТО» ТЕЛТАЙПИ

● Тошкент химия-фар-мацевтика заводиде КПСС XXVII съезди ша-рафига ўтказилаётган со-циалистик мусобақада Р. Қосимов етакчилиги қи-лаётган цех коллектив-и яхши натижаларини кўн-га киритмоқда. М. Йўлдо-шева ва М. Қосимов етакчилиги қи-лаётган коммунистик меҳнат бри-гадалари смена топиш-рикларини 150—160 про-центга етказиб бажари-ришпти. Қирқувчи М. Салимова, Ўрвончлар Т. Давлатова, А. Соҳилма-нова, О. Абдуқодиров ва съездолди зарбдор ўн кунликларда бик неча марта голиб чи-кишди. Цех меҳнаткаш-лари йиллик топшириқни 25 декабрда бажаришга, съезд очиладиган кунга, қадар 1986 йилнинг икки ойлик планини бажариш-га етди қилишди. Зарбдор сўртта коллективга шу сўртта қадар планга қў-шимча 2 миллион донга бикт тайёрлаш имкони-ни берди.

● Подшипниклар ре-монти заводиде ишлаб чиқариш ветеранлари, подшпикни йиғувчилар — К. Михалева ва Х. Зо-кирова меҳнат белла-шуви пешқадамлари ҳи-собланмоқда. Улар кор-хонада деярли 30 йил-дан буён меҳнат қилиш-моқда. Ўз касби сирла-рини пухта билган му-раббийлар ёшларга ус-тозлик қилишмоқда.



«Средазэлектромат-ка» заводининг ишлаб чиқариш илгорларни КПСС XXVII съезди оч-иладиган кунга қадар 1986 йилнинг биринчи квартални планини бажаришга етди қилишди. Ай-ни пайтда улар съезд очиладиган кунда тежаб қолганин хом ашёдан махсулот тайёрлашни режалаштириб қўйди-лар.

СУРАТЛАРДА: ком-сомол-ёшлар бригадаси-нинг бошлиғи Владимир Чехонин (чапда) ва Игорь Старцев. Завод бош конструктори В. Хлоп-цев ва биринчи катего-рияли инженер-кон-структор Э. Изотова иш устида.

С. Величкин
Фотоси.
[ЎЗТАГ].

ИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бугун шаҳар алоқачиларининг съезд-олди мусобақаси ўн учинчи ўн кунлиги якунларини Тошкент шаҳар партия коми-тети саноат, транспорт ва алоқа бўлими-нинг мудри Р. Н. Норбоев шарҳлайди:

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг бугун куч-гайратини ишлаб чиқаришни ил-мий-техник жиҳатдан қайта қурулантириш, иқтисод ва тежамок-лик, мавжуд резерв-лардан тўлароқ фой-даланиш, уларни беш йилликка хизмат қил-дириш, меҳнат унум-дорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратиш кераклиги ҳақидаги кўрсатма-ларини жанговар топ-шириқ сифатида қабул қилдик», — дейилади республика алоқа корхоналари 14 ил-гор ишчисининг Ўз-бекистон алоқачила-рига муножаатиди. Бу муножаатга Тош-кент «Союзсвязь» агентлигининг ходими Хусан Каримов, ре-спублика шаҳарлари-ро телефон станция-сининг телефончиси Сокида Каримова, ре-спублика марказий те-леграфининг ишчиси Гулнора Пирматовна-нинг ҳам имзоси қўйил-ган.

Уларнинг ташаб-буси асосида шаҳар алоқа корхоналарида халқ хўжалиги эҳти-ёкларини тўлароқ қи-лдириш, аҳолига алоқа хизмати кўр-саати алоқа хизмати кўрсатаётганлар ора-сида телеграфчилар С. Яковлева ва В. Лихо-дид, сараловчи В. Фо-тихова, Л. Абдуқари-мова, И. Юсупов ва бошқалар бор.

Республика шаҳар-лараро телефон стан-циясининг ўнлаб хо-димлари шахсий беш йиллик планларини урдаб қўйишди. Уларнинг орасида «Хур-мат Белгиси» ордени-ни кавалери телефо-нчи Сокида Каримова.

Съездолди зарбдор ўн кунликлари давоми-да мамлакатимизнинг ил-мийлик планларини урдаб қўйишди. Уларнинг орасида «Хур-мат Белгиси» ордени-ни кавалери телефо-нчи Сокида Каримова.

Вера Суханова, Тат-ьяна Пашина, электро-монтер Галина Ходоса-ва, электромеханик Тамара Раҳимова ва бошқалар бор. Съездол-ди социалистик мусоба-қасида Ж. Меридова етакчилиги қи-лаётган бригада пешқадамлик қилмоқда.

Шаҳар алоқачила-рининг коллективлари хизмат кўрсатиш сифа-тини яхшилашга алоҳи-да эътибор бермоқда-лар. Бу жуда муҳим дир. Ваҳоланки, тош-кентликлар почта, теле-фон алоқасининг ай-рим бўлимлари хизма-тидан ҳамон шикоят қилмоқда.

Марказий телеграф коллективиде «КПСС XXVII съездида — 27 зарбдор ўн кунлик» шiori остидаги соци-алистик мусобақа авж олиб бормоқда. Ви-ринчи классли те-леграфчилар Н. Ге-раньина, И. Кузнец-ова, электромонтер М. Соликов, инженер-лар С. Левушкин, Л. Харцизова, электро-механик Ф. Комилова, оператор Ф. Кутриду-ва бошқалар бир неча марта голиблар сафи-дан жой олишди.

Беш алоқа узели, етти цех, икки участка коллективни, Тошкент телефон тармоқининг Бош бошқармасининг 1850 дан зиёд меҳнат-чилари КПСС XXVII съездида бағишлан-ган социалистик му-собақага актив қўшил-ди.

Бу беллашувда Л. Борисов етакчилиги қи-лаётган Чилонзор так-софон участкаси бир неча марта голиб чи-кди. Участка бошқарма-да биринчи бўлиб меҳ-натнинг бригада луд-рати услубига амал қи-ла бошлади. Бу яхши натижаларга олиб келди.

Алоқачиларнинг меҳ-

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар пассажир авто-транспортини ишлаб чиқариш Бош бошқармаси маълум қиладики, ҳа-шарчиларнинг пахта теримида

оммавий жўнаши муносабати билан шу йил 4—10 октябрь кунлари ша-ҳар ва шаҳар чеккаси маршрутла-ридаги автобусларнинг сони бир-мучча камайд.

